

Андижон шаҳри

Кейинги ўринларда “**Буюртмачи**” деб юритиладиган Андижон вилояти автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси номидан Низоми асосида иш кўрувчи бошлиғи Т. Қараев бир томондан, матнда кейинги ўринларда “**Пудратчи**” деб юритиладиган Бўстон ТЙФУК Низоми асосида иш кўрувчи директори А.Ахунов иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонун талабларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги 295-сонли “ЎЗР Транспорт Вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари кўмитаси Низомини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорнинг 3-боб, 13-бўлим, 15-хатбошисига асосан, 2019 йил 9 декабрь кунги ПҚ-4545-сонли қарорнинг 1-иловасига асосан, ҳамда 2017 йил 14 февраль кунги ПҚ-2776-сонли қарорларга асосан, Бўстон тумани ҳудудидан ўтувчи умумий фойдаланишдаги давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини кишки қаров ишлари бўйича ушбу шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАҚСАДИ

1.1. “**Пудратчи**” ушбу шартнома шартларига мувофиқ Бўстон тумани ҳудудидан ўтувчи давлат аҳамиятдаги автомобил йўлларида кишки қаров ишларини шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган иловага асосан бажариш мажбуриятини олади. “**Буюртмачи**” эса “**Пудратчи**”га бажарилиши лозим бўлган ишлар учун тегишли меъёрий ҳужжатлар ва ташкилот меъёрлари асосида тузилган лойиха-смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағ тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар қиймати (барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда)га асосан жорий нархларда 2022 йилда 2 062 000 (Икки миллион олтинчи икки минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил ҳисобланиб, факатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ҳазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтиб, жамғарма ҳисоб рақамида маблағ мавжудлигини ҳисобга олиб жорий ойнинг 10 санасига қадар “**Буюртмачи**” томонидан бажариладиган ойлик иш ҳажмининг 40% миқдоридан аванс тарикасида “**Пудратчи**”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. “**Буюртмачи**” томонидан ойлик иш ҳажмлари режасига асосан “**Пудратчи**” томонидан тақдим қилинган бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунида “**Пудратчи**”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.5. “**Буюртмачи**” охириги тўловни “**Пудратчи**” томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 30 банк иш кунидан кечикмаган муддатда бироқ 2022 йилнинг 31 декабрига қадар ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар “**Буюртмачи**” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. “**Пудратчи**”нинг мажбуриятлари

Мазкур шартномада илова қилинадиган бажариладиган ишлар маълумотномасига асосан биринчи аванс тўлови тушгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни ой якунига қадар бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг қучлари билан бажариш ҳамда “**Буюртмачи**”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. “**Пудратчи**”нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олинадиган аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда ҳисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарини қопланишини талаб қилиш;

3.3. “**Буюртмачи**”нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни Автомобиль йўллари кўмитасининг 2003 йил 15 октябрдаги 198-сонли буйруғи асосида “Автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларини қабул қилиш қондаларини” МҚН-19-2004 ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талаблари даражасида қабул қилиб олиш;

Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. “**Буюртмачи**”нинг ҳуқуқлари

“**Пудратчи**”дан бажариладиган кишки қаров ишларини амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида бажарилишини таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

“**Пудратчи**”дан шартномада кўрсатилган ишларини лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

“**Пудратчи**” томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб усқуналарни иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. “Пудратчи” объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун “Буюртмачи”га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5 %и миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пенянинг суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 %идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган камчилик ва нуқсонлар “Пудратчи” томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса “Буюртмачи” тўловларни тўхтатиб, лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20%и миқдорда жарима ундирилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

4.4. Бажарилган ишлар учун “Буюртмачи” томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорда пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдордан ортмаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган томон иккинчи томонга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказган зарарларни қоплаш жавобгарлигидан озод этилмайди.

4.6. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарликлар Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 25-32 моддалари асосида белгиланади.

V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ

5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлик ёки қисман бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига беvosита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан хал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан хал этиш имкони бўлмаса, Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали хал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ҳазначилик тизимидан электрон тартибда рўйхатдан ўтган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“ПУДРАТЧИ” Бўстон ТЙФУК

(иш бажариб берувчининг номи)
Манзили: Бўстон тумани Ипак йўли кўчаси
58-уй
Тел./факс: 333-19-70
х/в 22626000900279247002
Банк номи: “Ипотекабанк” Истиклол бўлими
МФО: 00068 ИНН: 200263672
ОКОНХ: 42110



А.Ахунов

“БУЮРТМАЧИ”

Андижон вилоят АЙХББ

(бюджетдан маблаг олувчининг номи)
Манзил: Андижон ш. А.Йўлдашев кўча 30
Тел./факс 224-10-07 226-88-90
ш/х* 304510860034017045172118001
СТИР: 200230895 ОКОНХ: 84112
Ҳазначилик бўлини номи: Ўз Р Молия
Вазирлиги Ҳазначилиги
Ҳазна х/в: 23402000300100001010
Банкнинг номи: МБББ ХККМ
МФО: 00014



Т. Қараев

Ҳуқуқшунос маслаҳатчи:

А.Мамажонов

Бўстон ТИФУК томонидан 2022 йил 1-чорақда бажариладиган қишки қаров ишлари қиймати ва ишларни бажариш жадвали

Йул раками	Йулнинг номи	Йулнинг узунлиги км	жами 2022 йил 1-чорақ режаси	2022 йил 1-чорақ		
				жами	ойлар	ойлар
1	2	3	7	январ	8	феврал
	Давлат ахамиятидаги йуллар					9
4P128	"Бўз ш.-Ўрмонбек қ.-Балиқчи қ." автомобиль йўли	12	1906.0	1906.0	1142.0	764.0
4P139	"А373 автойўли -Шаҳрихон ш.-Кува ш." автомобиль йўли	1	156.0	156.0	92.0	64.0
	Жами	12	2062.0	2062.0	1234.0	828.0

"ПУДРАТЧИ"
 Бўстон ТИФУК директори
 А.Ахунوف.



"Бўстон АЧН"
 Андижон вилоят АЙХББ бошлиги
 Т.Қараев

